

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗНИНГ ДУР-У ГАВҲАРЛАРИМИЗДИР

Рустамов Хайридин Бахриддинович

Навоий вилояти Нурота тумани

“Шахристон” маҳалла фуқаролар йиғини

“Кексалар маслаҳати гуруҳи” раиси.

Аннотация: Одамнинг улуглиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улугворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди: ягона ўлчов-унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир. Дунёда инсон шахсидан мураккаб ва бой ҳеч нарса йўқ. Уни ҳар томонлама ривожлантириш, ахлоқий камол топтириш тарбиянинг мақсадидир.

Калит сўзлар: Фарзанд, бобо-бувилар, ота-она, неваралар, тарбия.

КИРИШ

Барча кашфиётлар ичида енг гўзали
яхши тарбия олган инсондир.

(Епиктет)

Ёш авлодимизни баркамол, ел-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз мухтарам нуронийларимизга таянамиз (Ш.М.Мирзиёев). Ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири фарзанд тарбиясига алоҳида ёндашиш ҳисобланади. Чунки оқил ва доно фарзандлар ел-юрт корига ярайди, давлатнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун фарзандлар тарбиясида ота-боболаримизнинг, бувижонларимизнинг тарбияларига таяниб келганмиз ва улардан ўрнак олганмиз. Шундай иборани ўқисангиз, тарбиянинг аҳамияти қанчалик улкан эканлигини ҳис қиласиз: “Кичикларни катта қилгунча-кичик бўлиб қолар экансан”.

Бунинг маъноси-гўдакни вояга етказгунча инсоннинг ўзи жисман аста-секин ўзидаги бор қалб меҳрини бериб, уларни катта қилади, ўзи еса жисман кичрайиб бораверади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Авлод-аждодларимиз фарзанд тарбиясига алоҳида еътибор қаратганлар. Фарзандларини имкон қадар билим олишга қизиқтирганлар. Қадим замонларда электр энергияси бўлмаса-да, мойчироқларда китоб мутолаа қилишган. Бобо-момолар ертақлар айтиб беришган. Шеърхонлик кечалари, мушоиралар ўтказишган. Билим бериш билан биргаликда ўғил болаларга устачилик, деҳқончилик, касаначилик сирлари ўргатилган. Қиз болаларга еса каштачилик, пазандалик, дўппидўзлик ҳунарлари сингдирилган.

Ота-боболаримизнинг тарбия борасидаги тажрибалари, уларнинг бизга қолдириб кетган меросини давом еттириш давлатимизнинг сиёсати даражасигача

кўтарилди. Кексалар уйимизнинг кўрки, қалбимизни мунаввар етиб тургувчи чироқ, беминнат дуоғўйимиз, панд-насихатлари билан умримизни ёритувчи куёш, тажриба-ю маслаҳатлари билан ёшларимизга тўғри йўл кўрсатувчи йўлчи юлдуздир. Бизнинг тарбиямизда отанинг алоҳида ўрни ва онанинг меҳр-муҳаббати намоён бўлади. Бу фақатгина ўзбек халқига хос туйғудир. Шунинг учун биздан Амир Темурлар, Алишер Навоийлар, Имом Бухорийлар, Бобурлар, Улуғбеклар, Берунийлар, Ал-Хоразмийлар, Ибн Синолар, Нодирабегимлар, Увайсийлар етишиб чиққан. Бутун дунёни лол қолдирган олим-у уламоларнинг ёзган асарларини ҳозиргача кўзларига тўтиё қилиб ўқишмоқда ва ўрганишмоқда, ҳаётга тадбиқ етишмоқда. Дунёни ўзининг ақл-идроки билан забот етган Амир Темурнинг :”Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, қурган иморатларимизга қара”,- деб айтган гаплари ҳам ҳозирги кунгача ўз қадр-қимматини йўқотган эмас.

XVI асрларда Афғонистондан Тошкентга келган машҳур адиб Зайниддин Восифий юртимиз тупроғига қуйидагича таъриф бергани бежиз эмас:

Муборак тупроғи мисли тўтиё,
Суйи раҳмат суйидин хўброқ гоё.
Тупроғин гардлари еца фалакка,
Бўлгудек тўтиё чашми малакка.
Шунинг-чун ел уни елтиб осмона,
Атир-у упо килур хур-у ғилмона.

Ана шу тупроқ йўллар ўрнида бугун фахрланса арзигулик мажмуа, иншоотлар қад ростлади ва шу заминдан Ҳамид Олимжонлар, Зулфияхонимлар, Ойбеклар, Абдулла Қаҳҳорлар, Мирмуҳсинлар, Абдулла Авлониёлар, Чўлпонлар, Фитратлар етишиб чиқди.

Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Еркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиеваларнинг шеърлари дилларда дoston бўлмоқда.

Чунки бу заминлар отамерос, онамерос қадриятлар улуғланади.

Шунинг учун фарзандлар, неваралар тарбиясида нуронийларнинг роли каттадир. Инсон қалбига она Ватан муҳаббати қачон ва қай ҳолатда сингиб кетишини ҳеч ким таърифлаб бера олмайди. Бироқ она юртнинг ободлиги одамга ғурур-ифтихор бағишлайди. Биз босиб турган она тупроқда боболаримиз, аجدодларимизнинг меҳнати, орзу-истаклари, соҳир нафасларининг излари бор. Шундай экан, нуроний отахон-онахонларимизнинг панд-насихатларини олган, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солган аҳил фарзандларимиз: Аббосбек, Абдуқодир, Жалолиддин, Диёра, Нодирбек, Елдор, Шохжаҳон кабилар юртимиз байроғини кўкларга кўтаришмоқда.

“Ўз Ватанингнинг фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар”. Буюк мтафаккирларимизнинг айтган бу сўзларига Ватанимиз ёшлари, ўғил-қизлари амал

қилмоқдалар. Чунки давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг улғайиши, таълим-тарбия олиши учун барча шароитларни яратиб бермоқдалар.

Чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш етмоқлик яхши, аммо ёш аҳли улғайтириш, ёш қалбни ўзига хос шакллантириб, унда адолат туйғусини жонлантириш янаям яхшидир. Ана шундай вазифани бажаришда кекса авлод вакилларига таяниб иш кўриш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шуларни ҳисобга олиб, Президентимиз “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш устувор вазифалардан бири эканлигини мақсад қилдилар. Бунда ишсиз, уюлмаган, тарбиясида нуқсон бор ёшлардан 10 нафари бир нуронийга беркитилади. Бу ташаббус ўзининг самарасини бериб, кўпчилик ёшларимизда ижобий ўзгаришлар юз берди. Улар ўзларининг ҳаётдаги ўринларига ега бўлдилар.

Бизнинг авлод вакилларимизни бутун дунё танийди. Улардаги одоб-ахлоқ, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оилага меҳр-муҳаббат намуналарини юртимизга келган сайёҳлар ҳам ётироф етишмоқда.

Отахон-онахонларимиз кўллари доимо дуода. Ютимиз келажаги, равнақи учун, унинг тинчлигини кўриқлайдиган, тарбияли, оқил-у доно фарзандлар тарбиясидан муҳимроқ иш йўқлигини ҳамма юртдошларимизнинг қалбига сингдирмоқдалар.

ХУЛОСА

Давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг фароғати бешак олижаноб хулқ-одобига боғлиқ, олижаноб хулқ-одоб еса тарбия туфайлидир. Одоб-ахлоқли фарзандлар, невараларни тарбиялашда кекса нуронийларимизнинг тажрибаси, дунёқарашидан унумли фойдаланишимиз лозим. Шундагина ватанпарвар, илмли, фозил-у доно, оилапарвар, етук фарзандларни вояга етказамиз. Давлатимизнинг ишонган таянчи ёш авлод тарбияси ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчи, вазифаси бўлмоғи даркор.

Фарзандда коинот қадар теран поклик ва самимийлик тўла қалбида қариндошларга вафодорлик ва меҳр-муҳаббат билан йўғрилган туйғуларни шакллантириш керак. Бундай фазилатлар аввало онада намоён бўлади. Ҳар бир она учун ўз фарзанди дунёдаги енг Ширин, енг гўзал бола бўлиб кўринади.

Бизнинг илдимиз бақувват. Шу илдизлардан озуқа олаётган ёш ўғил-қизларимиз албатта ишончимизни оқлайди. Чунки дунё аҳли бунга гувоҳ бўлмоқда. Ёшларимиз барча соҳаларда дунёни лол қолдиришда давом етмоқда. Бунда ўзбекона тарбиянинг илоҳий кучи бор. Доимо ёдда тутайлик: ёшларимиз нафақат умримиз, айни пайтда бугун биз амалга ошираётган улкан ишларнинг давомчиларидир. Ёшларимиз бизнинг қандай буюк халқ эканлигимизни, жаҳон майдонида яққол намоён этадиган тенгсиз куч, тенгсиз қудратдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Одабийлик қиссаси” асари. Мирзакалон Исмоилий.
2. Тафаккур гулшани.
3. “Саодат асри қиссалари” асари. Аҳмад Лутфи Қозончи.
4. “Нуроний” газетаси. 2024-йил сонлари.
5. “Кексалик гашти” журнали. 2024-йил сонлари.
6. “Маърифат” газетаси. 2012-йил сонлари.
7. Президент қарорлари: 2023-йил 11-март ПҚ 92-сонли, 2024-йил 25-ноябр ПҚ 405-сонли.
8. Интернет ижтимоий тармоқлари.